ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАФВСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНИШИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИНИНГ БИРИДИР

Х.Хайдаров
доцент, и.ф.н, Молия кафедраси, Фарғона Давлат Университети

https://doi.org/10.5281/zenodo.8029408

Аннотация. *Халкаро мунособатларда озик-овкат махсулотларни етиштирувчи кишлок хужалиги ва агросаноат тармокларини давлатлароро интеграциялашуви ва инновация асосида ривожланиши узаро манфаат келтиради ва озик-овкат таъминотини бардавом баркарорлигини таминлайди. Маколада Халкаро ташкилотларининг сахони ривожлантиришда тутган урни ва ахамиятини еритиб тахлилий фикр ва таклифлар билдирилган. Узбекистон Республикасини нуфузли Халкаро ташкилотларга аъзо булиши ва улар билан хамкорлик килиши хамда илгор ташабус ва таклифлар билан иштирок этиши юртимизни баркарор ривожланишида мухим ахамиятга эгалигини ёритишга ундалган.*

Калит сўзлар: *Халкаро ташкилотлар; интеграция; инновация; диверцификация; озик-овкат хафвсизлиги; глоббалашув махсулотлари нарх-навоси; озик-овкат хавфсизлиги; камбагаллик; очарчилик; тахдид; конвенциялар; деклорациялар; келишувлар; норматив актлар; каронавирус пандемияси; Шанхай хамкорлик ташкилоти; БМТ; конвенция; ген; асаларичилик; баликчилик; парандачиликни; аноpчилик.*

Кириш. Жахоннинг амалиётидан ва минтака мамлакатлари тажрибасидан маълумки, мустакил тараккиёт йулида ривожланган ва ривожланиб бораётган давлатлар хеч качон уз кобигига уралиб тараккий этмаган. Аксинча, жахон хамжамиятга кушилиш оркали уз хаётий такдирини белгилаган. Сунги 5-6 йил даврида, айникса, интеграция жараёнлари ва фан - техника тараккиёти кучайган бир вактда мамлакатларнинг узаро хамкорлигисиз фаолият юритишлари мумкин булмай колди. Шу сабабдан хам Узбекистон мустакил давлат макомига эга булиши биланок жахон хамжамиятига кушилиш йулини тутди. Хозирги замон халкаро муносабатларнинг, жумладан, озик-овкат хавфсизлигини таъминлаш борасида алокаларнинг умумий жихати шундаки, кейинги ун йилликда дунёнинг турли минтакаларида вужудга келаётган хамда давлатлараро муносабатларнинг турли сохаларини камраб олган глабаллашув жараёнлари тез суръатда ривожланиши, дунё ахолиси сони ошиб бориши ва камбагаллик хамда очарчилик муаммолари ошиб бормокда. Бундай жараёнлар тараккиётида давлатларни узида бирлаштирилган халкаро ва минтакавий ташкилотларнинг хам озик-овкат етиштириш ва кайта ишлаш корхоналари баркарор фаолияти мухим касб этади.

Муаммолар ва тахлиллар. Республикамизнинг халкаро муносабатларининг турли субъектлари билан алокалари, хусусан, озик-овкат махсулотлари етиштириладиган, кайта ишлаб чикарадиганлар билан алокалари канчалик чукур хамда кенг булса, улар билан муносабатларда ноаниклар, ётсирашлар, муаммолар ва хал килинмаган масалалар, кутилмаган бошка вокеа - ходисалар шунчалик кам булади. Худди шу нарса озик-овкат хавфсизлигига солаётган тахдидларни бартараф этиш хамда баркарор ривожланишини жадал таъминлашнинг зарур шартидир. Узбекистон ташки сиёсатини, айникса, ён кардош кушни давлатлар билан якиндан савдо-сотик ва бошка иктисодий сиёсатининг асосий ва

устувор йуналишларидандир хамда барча давлатлар билан турли даражадаги сиёсий ва иктисодий муносабатларни ривожлантиришдан иборат.

Таъкидлаб утиш жоизки, жахон микиёсида купгина конвенциялар, деклорациялар, келишувлар ва бошка норматив актлар мухим ахамиятга эгадир. Масалан, Шанхай хамкорлик ташкилотининг Самарканд саммитида 44 дан зиёд Осиё мамлакатлари ва мустакил хамкор давлатлар билан хамкорлик тизими, шу жумладан озик-овкат хавфсизлигини таъминлаш норматив актлар, тавсиялар кабул килганки, бу якин хамкорлик мамлакатларнинг бирлиги ва узаро ёрдам тамойилларига таяниши, манфаатли хамкорлик, узаро ишонч ришталарини хукукий таъминлаш имконини беради. Бугунги кунда Узбекистоннинг ташки ва ички иктисодий сиёсати хамда дипломатик тавсиясида хам устувор максад ягона манфаатлар муштараклиги, озик-овкат хавфсизлиги таъминлашда иктисодий ва сиёсий алокаларнинг узаро манфаатли тарзда амалга оширилишига каратилганлигидир. Бунга каронавирус пандемияси шароитидаги Узбек-Хитой алокалари ва бошка давлатларнинг Узбекистон билан озик-овкат таъминоти ва моддий ёрдамлари мухим ахамиятга эга булди.

ўзбекистоннинг Шанхай хамкорлик ташкилотидаги мувофакияти ва Самарканд саммитининг салмокли натижаси БМТ бош котиби уринбосари, Чулланишга карши Конвенцияси Ижрочи котиби Иброхим Тиау мамлакатимиз делегацияси билан озик-овкат буйича мулокат чогида таъкидланганидек, сунги йилларда БМТ нинг Чулланишга карши кураш конвенцияси доирасида Узбекистон билан хамкорлик сезиларли даражада ошди. Конвенцияни амалга ошириш жараёнини куриб чикишда кумитасининг биринчи йигилиши 2023 йилда Узбекистонда утказилиши кузда тутилиши узаро алокадорлик кенгайиб бораётганидан дарак беради ва БМТ озик-овкат ва кишлок хужалиги ташкилоти (ФАО) Бош директори Цуй Дуню Самарканд саммити жараёнида Президентимиз билан учрашувда 2023 йил озик-овкат хавфсизлиги таъминлаш буйича халкаро конференцияни утказишга оид Ш.Мирзиёев ташаббусини макуллади ва кувватлади. Бу ташкилот озик-овкат хавфсизлиги таъминлаш, иклим узгаришига карши курашиш, кишлок хужалиги махсулотлари ишлаб чикаришни инновациялаш ва диверсификация килиш, сувни тежаш техналогияларини жорий этиш буйича кушма лойихаларни амалга оширишда Ўзбекистонга хар томонлама ёрдам курсатишга тайёрлигини билдирди,[1] озик-овкат хажми ошиб боради.[1]

ўзбекистон экологик жихатдан тоза озик-овкат махсулотлари (гушт, сут, мева, сабзавот, узум ва бошкалар) ни юртимизга келган хар бир хорижий эксперт ва туристлар доимо эътироф этади, тан олади. Шу ерда бир савол тугилади: дунё бозорида кимёвий ишлов берилган, узок муддат турли иклим шароитларида сакланиши кафолатланган, гени узгартирилган озик-овкат махсулотларининг сакланиши ёки табиий тоза махсулотларимизми? Албатта, табиий тоза махсулотлардир.

Демак, образли айтганда, махсулотларимизни жахон бозорида «кузга суртиб олишлари мумкин». Аммо, бизнинг кенг халкаро бозоримиз йук, нега? Президентимизнинг таъкидлаганидек, биз аввало якин атрофимиздаги хамдустлик давлатлари бозорларида уз урнимизга эга булиб олишимиз лозим. Бунинг учун озик-овкат махсулотларини кайта ишлаш, кадоклаш талаб этилади. Бунинг учун бизга замонавий техналогиялар, ускуна ва кулланмалар керак, колаверса, уша иннавоцион техналогия билан ишлашни биладиган замонавий малакали ишлашни биладиган менеджер ва мутахасислар хам сув билан хаводек

зарур. Мазкур максадни амалга ошириш учун, айни кунда, бир неча халкаро хорижий компаниялар билан вилоятлар, хокимиятлари ва олий таълим муассасалари кабилар музакаралар олиб бормокда, грант лойихаларида иштирок этмокда.[2] Мисол учун, Америка Кушма Штатларининг «Chemoltuca» компанияси агробизнес, саломатлик, фан ва таълим, шунингдек, иктисодий хамда халк хужалигини турли йуналишлари буйича иннавацион лойихаларни молиялаштириш билан шугулланувчи йирик халкаро ташкилотлардан бири. Улар ва бошкалар иктисодий салохиятимизга катта кизикиш билдиряпти.

Ўзбекистон шу каби хорижий хамкорларимиз кумагида иктисодиётимизни замонавий талаблар даражасида юксалтиришга эришмогимиз, озик-овкат махсулотни хавфсизлигини таъминлашда ракобатбардош кадрлар тайёрлашга улгуриб олишимиз мумкин булади.

Яна бир эътиборга молик вокеа - куп йиллик орзуларимиз амалга ошиб, худудларимизда хам хорижликлар сингари озик-овкат махсулотларини экологик тозалигини аникловчи илмий лабараториялар булишига эришимиз лозим.

Хозир Фарғона Давлат Университети табият-биология факультети асаларичилик, баликчилик, парандачиликни ўқитиш, ўргатиш таълим йўналишлари ва Иктисодий факультетида узимчилик ва анорчиликни ўргатиш, ўкитиш таълим йуналишлари ташкил этиб хамда озик-овкат ширин ва янги махсулотларини ишлаб чикариш таълим йўналишлари фаолияти кўрсатмокда. Бу йуналишларда илмий-тадкикотчилар билан хамкорликда кишлок хужалиги хайвонлари-паранда, балик ва асаларилларда учрайдиган турли касалликларнинг олдини олиш хамда даволаш борасида, шунингдек куйлар ва корамолларнинг махсулдорлиги ошириш хамда насл хусусиятларини яхшилаш, янги тизимлар яратиш ва шу каби илмий жихадан долзарб мавзулар устида, хусусан, озик-овкат махсулоти хафсизлигини таъминлашга доир масалалар борасида тадкикат ишлари олиб борилмокда.

Хуллас, амалга ошириш бўйича режалар кўп. Максад битта мустакил юртимиз, Янги Ўзбекистон тараккиётига илм фанда эришаётган ютуклар билан хисса қўшиш, озик-овкат хафсизлигин масаласида халкимизга малакали мутахассислар тайёрлашда якиндан кумак бериш, колаверса ракоботбардош кадрлар тайёрлашдан иборат.

Хулоса ва таклифлар: 1. Фаргона Давлат Университети табият-биология факультети кошида озик-овкат махсулотларини экологик тоза илмий лабараториялар булишига эришимиз лозим.

2. Кишлок хужалигида озик-овкат экинларини пестицидсиз, органик угитлар биологик усуллар асосида етиштириш буйича илмий-тадкикот ишларини кенг ривожлантириш ва рагбатлантириш хамда тажрибалар утказиш буйича махсус экин майдонлари ажратиш.

3. Озик-овкат хафсизлигин масаласида халкимизга мутахассис сифатида ракоботбардош кадрлар тайёрлаш.

REFERENCES

1. 2017-2021 йилларда Узбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йуналиши буйича «Харакатлар стратегияси»;

2. Узбекистон Республикаси давлат статистика кумитаси. Тошкент-2020

3. Мирзияев Ш. «Галлачиликда бозор механизмларини жорий килиш давом эттирилади». «Халк сузи». 2020 йил 12 май.

4. Мирзияев Ш. «Шанхай Хамкорлик Ташкилотининг Самарканд саммити: узаро богликликда дунё мулокат ва хамкорлик», «Халк сузи» 2022 йил – Сентябрь.

5. Гофуров А., Курбонов Д. Узбекистонда озик-овкат саноатини ривожлантириш истикболлари. Тошкент. 1993.

6. Ш.Мирзиёев «Осиёда тинчлик, баркарорлик ва Фаровонлик таъминланиши йулида» Остана саммитида нутки. «Халк сузи». 2022 йил 13 октябрь.

7. Гофуров А., Курбонов Д. Узбекистонда озик-овкат саноатини ривожлантириш истикболлари. Тошкент. 1993.

8. Хайдаров Х. Ахолини ижтимоий химоя килишни амалга оширишда республикадаги сугурта компанияларининг урни уларнинг фаолияти сохасидаги асосий стратегик йуналишлардан бири сифатида. «Махсус таълим вазирлиги Фаргона Давлат Университети» «Харакатлар стратегиясини амалга оширишда ижтимоий ишни урни ва самарадорлиги» мавзусидаги. Республика Илмий-амалий анжуман материаллари ФДУ-2019 йил.